

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУСТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди  
№ MDA-66  
2016 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта махсус таълим вазирлигининг  
2016 йил "6" сентябр даги

134-Тасдиқ буйруғидан  
тасдиқланган



“Педагогик технология ва педагогик маҳорат”

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

Тошкент – 2016

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий ва  
ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-ушубий  
бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашининг  
2016 йил 26.09.2016 йили даги 2 - сонли баённомаси билан  
маъқулланган.*

Тузувчилар: “Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”  
модули: с.ф.д., проф. И.Эрташев, ю.ф.н., доц. В.Топилдиев.  
“Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”  
модули: п.ф.д., проф. И.А.Муслимов, п.ф.н.  
М.Т.Мирsoleва, п.ф.н. М.Усмонова, ўқитувчи  
М.Мутапилова, ўқитувчи И.А.Эшмаметов.  
“Таълим жараёнида ахборот-коммуникация  
технологияларини қўллаш” модули: ф-м.ф.н., доц.  
Х.Холмелов, п.ф.н., доц. М.Мамаржабов, кат. ўқит. В.  
Ҳамидов, ўқитувчи Т.Шаймардонов, ўқитувчи М.Файзиёва.  
“Амалий хорижий тил” модули: Ўзбекистондаги  
Британия Кенгашининг етакчи мутахассанлари, кат. ўқит.  
У.Гиясова.  
“Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари”  
модули: ф.ф.д., проф. Р.Самаров, пс.ф.н. Х.М.Алимов,  
п.ф.д., доц. Д.Юнусова, п.ф.н. М.Усмонова, п.ф.н.  
Ф.Эсанбобоев.  
Махсус фанлар бўйича: Хорижий эксперт Джаңг Ын  
Джонг (Жанубий Корея), п.ф.н., доц. Б.Холжаев,  
п.ф.д., доц. Д.Рузиева.

Тақризчилар: п.ф.д., проф. Ш.Қ.Мардонов – ЎзМУ педагогика ва  
умумий психология кафедраси профессори  
п.ф.д., проф. Ш.Э.Қурбонов – 1-Тошкент педагогика  
коллежи директори.

Ўқув дастури ТДПУ Кенгашининг қарори билан тасдиққа таъсия қилинган  
(2016 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - сонли баённома).

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил  
12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш  
чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор  
йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий  
талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнининг  
мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог  
кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад  
қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва  
конунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат,  
таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш,  
амалий хорижий тил, тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус  
фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик таракқиёт ва  
ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги  
йутуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал  
Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш  
усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини  
шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог  
кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва  
уларнинг тайёрғарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув  
режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим  
муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва  
инновация технологиялари, илгор хорижий тажрибалардан самарали  
фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг  
таътиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш  
хисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам  
юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини  
ташқил этиш ва бошқаришни тизимли тахлил қилиш, шунингдек, педагогик  
вазиртларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга  
эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос  
хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда  
тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака  
ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши  
мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги  
модульлар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

Курснинг вазифаларига куйидагилар киради:

“Педагогик технология ва педагогик маҳорат” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

замонавий талабаларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш; педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илгор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Педагогик технология ва педагогик маҳорат” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

**Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”, “Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабалар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёрларлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар куйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- педагогнинг лойihalаш маданиятини ривожлантиришнинг маданий-тарихий шарт-шароитларини;
- лойihalаш маданиятини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи тўсиқлар ва уларни бартараф этиш йўллари;
- педагогик лойihalаштириш лойihalаш маданиятини ривожлантириш шартини;
- педагогнинг лойihalаш маданиятини ривожлантиришга интегратив-аснологик ёндашувни;
- гуманистик таълимий парадигма педагогнинг лойihalаш маданиятини ривожлантириш асосий моделини;
- ўқитувчи фаолиятида педагогик тактни;
- диққатни тўғри тақсимлаш ва кузатувчанликни;
- ўқитувчининг ишонтиришга асосланган таъсир кўрсатиш маҳоратини;
- педагогик мулоқот ва педагогик таъсир кўрсатиш усулларини;
- ўз-ўзини йўналтириш техникасига асосланган ўқитувчининг ўзини-ўзи бошқаришни;
- педагогикада моделлаштиришнинг ўрни ва аҳамиятини;

#### **I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривож ва таълим-тарбия масалалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик ҳужжатлари.

#### **II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.

2.2. Таълимда илгор хорижий тажрибалар.

#### **III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини**

**қўллаш**

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойihalаш.

3.2. Виртуал таълим технологияси.

#### **IV. Амалий хорижий тил**

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

#### **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.

5.2. Педагогик жараёнинг тизимли таҳлили.

#### **VI. Махсус фанлар**

1. Педагогнинг лойihalаш маданияти.

2. Педагогик такт ва техника.

3. Касбий фаолиятни моделлаштириш технологияси.

#### **VII. Педагогик амалиёт**

#### **VIII. Малакавий аттестация**

#### **Курснинг максали ва вазифалари**

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг максали педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

- ўқув жараёнини моделлаштиришга доир инновацион ёндашувларни;
- имитацион моделлаштиришнинг асосий концепциялари ва воситаларини;
- ўйин тарзида моделлаштириш ва унинг моҳиятини;
- тарбия технологияларини моделлаштиришни;
- тарбия тизимини этнопедагогик моделлаштириш технологиясини *биллиши керак.*

#### **Тингловчи:**

- педагогнинг лойихалаш маданиятини ривожлантириш;
- лойихалаш маданиятини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи тўсиқлар ва уларни бартараф этиш;
- педагогик лойихалаштириш лойихалаш маданиятини ривожлантириш;
- гуманистик таълимий парадигма педагогнинг лойихалаш маданиятини ривожлантириш асосий моделини ишлаб чиқиш;
- ўқитувчи фаолиятида педагогик тактдан кенг фойдаланиш;
- ўқитувчининг ишонтпиришга асосланган таъсир кўрсатиш;
- педагогик мулоқот, педагогик таъсир кўрсатиш;
- ўз-ўзини йўналтириш техникасига асосланган ўқитувчининг ўзини-ўзи бошқариш;
- педагогик тизим ва жараёнларни моделлаштириш ва лойихалаштириш;
- имитацион моделлаштиришнинг асосий концепциялари ва воситаларидан фойдаланиш;
- тарбия тизимини этнопедагогик моделлаштириш технологиясидан фойдаланиш *қўнимчаларига* эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- педагогнинг лойихалаш маданиятини ривожлантириш;
- педагогик лойихалаштириш лойихалаш маданиятини ривожлантириш;
- гуманистик таълимий парадигма педагогнинг лойихалаш маданиятини ривожлантириш асосий моделини ишлаб чиқиш ва амалиётга тadbик этиш;
- ўқитувчи фаолиятида педагогик тактдан кенг фойдаланиш;
- ўз-ўзини йўналтириш техникасига асосланган ўқитувчининг ўзини-ўзи бошқариш;
- ўқув жараёнини моделлаштиришга доир инновацион ёндашувлардан кенг фойдаланиш;
- таълимий мухитни моделлаштиришдан ва лойихалаштириш;
- таълим мазмунини педагогик моделлаштириш;
- имитацион моделлаштиришнинг умумий масалаларидан фойдаланиш;
- имитацион моделлаштиришнинг асосий концепциялари ва воситаларидан кенг фойдаланиш;
- тарбия тизимини этнопедагогик моделлаштириш технологиясидан кенг фойдаланиш *малакаларига* эга бўлиши зарур;

#### **Тингловчи:**

- гуманистик таълимий парадигма педагогнинг лойихалаш маданиятини ривожлантириш асосий моделини ишлаб чиқиш ва амалиётга тadbик этиш;
- ўқитувчи фаолиятида педагогик тактдан касбий фаолиятда кенг фойдаланиш;
- ўқитувчининг ишонтпиришга асосланган таъсир кўрсатиш усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тadbик этиш;
- ўз-ўзини йўналтириш техникасига асосланган ўқитувчининг ўзини-ўзи бошқариш ва назорат қилиш;
- ўқув жараёнини моделлаштиришга доир инновацион ёндашувлардан касбий фаолиятда кенг фойдаланиш;
- имитацион моделлаштиришнинг умумий масалаларидан фойдаланиш;
- имитацион моделлаштиришнинг асосий концепциялари ва воситаларидан кенг фойдаланиш;
- тарбия тизимини этнопедагогик моделлаштириш технологиясидан кенг фойдаланиш *компетенциясига* эга бўлиши лозим.

#### **Курс хажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юқламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-илпаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

“Педагогик технология ва педагогик маҳорат” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни

#### **I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари**

**1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалалари.**

Инсон онг ва тафаккурининг янгилиниши жамият ривожланишининг муҳим омилли сифатида. Глобаллашув ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истикболлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”, “Юқсак маънавият – енгилмас куч, “Ўзбекистон мустақилликка эриштиш оstonасида”, “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириши йўлида”, “Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз”, “Демократик ислохотларни янада



Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида” ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида” ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида” ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида” ги Низом. “Магистратура тўғрисида” ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” ги Низом ва бошқа метёбрий хужжатлар. Меъёрий-ҳукукий хужжатлар бўйича хорижий тажриба.

## II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

### 2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетенглик.

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари, инновацион жараёнларнинг кечиш босқичлари. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахста йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимни ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модули-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар технологиялари, ассисмент методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш.

Педагог касбий компетенглигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологик, методик, информაციон, креатив, инновацион компетенглиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетенглиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Нутқ техникаси ва маданияти. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гуруҳни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали хал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик - педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетенгликни шакллантиришнинг зарурий шарт-

чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш- мамлакатимиз тараққийнинг асосий мезонидир”, “Она юртимиз бахти икболи ва буюк келажаги йўлда хизмат қилиш – энг олий саодатдир” ва бошқа асарларида жамият ривож ва таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузаларида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларнинг белгиланиши.

### 1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

Норматив-ҳукукий хужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳукукий хужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга қиритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конститутцияси. “Таълим тўғрисида” ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассслар тайёрлаш сифтини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги ПФ-4456-сон Фармони, 2015 йил 12 июлдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Ўзлукеиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида” ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Ўзлукеиз таълим тизимини дарслиқлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида” ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида” ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сон Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар қиритиш хақида” ги 3-сон Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 242-сон қарори ва бошқалар.

шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари. Таълимни ахборотлаштириш шароитида педагог кадрлар креатив имкониятларини баҳолаш мезони.

### 2.2. Таълимда илгор хорижий тажрибалар.

Хорижий мамлакатлар таълим тизими. Замонавий ёндашувлар. Европа ягона таълим муҳити (Болонья жараёни). Модулли таълим моҳияти. Модулли таълим тамойиллари. Модул блоклари.

Модулли-кредит тизими моҳияти. ECTS кредитлари. ECTSнинг асосий тамойиллари. ECTSнинг хусусиятлари. Кредитларни тақсимлаш ва ECTS ўқув режаларига ўтиш методикаси.

Ривожланган Европа давлатлари (Германия, Англия), Осиё мамлакатлари (Япония, Жанубий Корея) ва Америка Қўшма Штатлари каби давлатларнинг ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот жараёнларини ташкил этиш ва амалда қўллаш бўйича тажрибаларини таълим тизимига тадбиқ этилиши.

Таълим хизматларини кўрсатиш борасидаги хорижий тажрибалар. Педагогика фанининг ривожланишига доир энг сўнгги илмий назариялар ва уларнинг муаллифлари фаолияти. Соҳа илмий мактаблари фаолияти. Илмий мактабларда эришилган ютуқлар. Педагогика соҳасида яратилган янги ўқув ва илмий адабиётлар таҳлили.

## III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

### 3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойихалаш.

Ахборот – коммуникация технологиялари ҳақида тушунча, ахборот – коммуникация технологиялари воситалари ва уларни таълим жараёнида қўллаш имкониятлари. Педагогик дастурий воситаларни ўқув-тарбия жараёнида қўллашнинг дидактик асослари.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш, амалий дастурий воситалар ёрдамида электрон дарсликлар, тренажерлар, виртуал лаборатория машғулотларини яратиш усуллари. Офис дастурларида электрон ўқув-методик материалларини яратиш усуллари (Microsoft Word, Excel, Power Point ва б.). Web 2.0/3.0 технологиялари ва уларнинг ёрдамида электрон дидактик материалларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнида қўллаш.

Компьютер тармоқлари, интернет ҳақида тушунча. Таълимий Интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш. Интернет тармоғининг асосий хизматлари. Google асбоб ускуналари ва хизматлари(сервислари)дан фойдаланган ҳолда ўқув жараёни ва ахборот таълим майдонини лойихалаш. Zjonet.uz ва бошқа таълим порталлари ресурслари билан ишлаш. Интернет

тармоғида педагогларнинг, талабаларнинг электрон мулоқот муҳитида жамоа бўлиб ишлаш шакллари. Блог, форум ва тематик чатларни ташкил этиш усуллари. Педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги.

Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини ташкил этиш. Электрон портфолио тушунчаси, таркиби, мазмуни ва имкониятлари. Ахборот технологиялари воситасида педагогнинг электрон портфолиосини шакллантириш. Электрон ахборот-таълим муҳитида педагогик жараёни лойихалаштириш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалар химоясини таъминлаш. Аутентификациялаш ёрдамида химоялаш. Химоялаш воситалари.

### 3.2. Виртуал таълим технологияси.

Мультимедиа тушунчаси, мультимедиа воситалари ва маҳсулотлари. Мультимедияни яратувчи дастурий таъминотлар. 3D технологиялар. Ўқув жараёнида симуляторлардан фойдаланиш. Виртуал борлик тушунчаси. Масофавий таълим тушунчаси, моделлари ва амалга ошириш босқичлари. Муаллифлик дастурий маҳсулотлар (Authoring tools); ички контентни бошқарув тизимлари (CMS), оммавий онлайн очик курслар (MOOC), виртуал таълим жараёнини бошқарувчи тизимлари (LMS).

## IV. Амалий хорижий тил

### 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг ингенсив усуллари.

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислохотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг талқини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўникмаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот муҳити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-B1-B2 оралигида). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўрганувчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурслар. Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг аҳамияти. Маданиятларо мулоқот компетенцияси (Ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

V. Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари  
**5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли тахлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.**

Тизимли тахлил тушунчаси. Тизим ва тизимлар назарияси. Тизимли методология ва тизимли ёндашув. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли тахлилнинг мақсади ва вазифалари. Тизимли тахлилдан педагогик фаолиятда фойдаланиш техникаси. Педагогик тизим ва унинг тузулиши. Педагогик вазиятларни тизимли тахлилини амалга ошириш. Тизимли тахлилини амалга оширишнинг асосий босқичлари. Тизимли тахлилини амалга ошириш моделлари. Тизимли тахлилини амалга ошириш методлари. Тизимли тахлил натижаларини манба шаклига келтириш технологияси.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Қарорларни тайёрлашга қўйладиган талаблар. Қарор вариантларини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараёни бошқаришда қарорлар (тезкор, тактик ва б.).

Қарор натижаларини баҳолашнинг эксперти ва прогностик методлари. Қарорлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми.

**5.2. Педагогик жараёнинг тизимли тахлили.**

Педагогикада тизим, тизимлилиқ ва яхлитлиқ котегориялари. Тизим ва муҳит тушунчаларининг ўзаро нисбати. Педагогик жараён – яхлит тизим сифатида. Педагогик жараён иштирокчилари ва уларнинг фаолияти. Педагогик жараёнинг муҳим таркибий элементлари, асосий йўналишлари ва уларнинг тузилмаси (объекти ва субъекти).

Педагогик жараёни тизимли тахлил қилиш мақсади ва вазифалари ҳамда моҳияти ва устувор тамойиллари. Педагогик жараёнинг тизимли тахлилга нисбатан замонавий ёндашувлар. Педагогик жараёни тизимли тахлил қилишнинг самарали метод ва воситалари ҳамда босқичлари. Унинг натижалари ва уларни баҳолаш. Педагогнинг педагогик жараёни тизимли тахлил қилишга қаратилган фаолияти. Педагогик жараёни тизимли тахлил қилишда педагог маҳорати ва тажрибасининг аҳамияти.

Ўқув жараёнини тизимли тахлил қилишнинг мақсади ва аҳамияти. Ўқув жараёнини тизимли тахлил қилиш омиллари. Ўқув жараёнини тизимли тахлил қилиш натижалари (салбий ва ижобий). Салбий натижаларини бартараф этиш чоралари ва ижобий натижаларини бойитиш йўллари. Ўқув жараёнини тизимли тахлил қилиш юқори самарадорликка эришиш шартлари.

Педагогика соҳасида таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашда тизимли тахлили.

**6.1. Педагогнинг лойиҳалаш маданияти**

Педагогнинг лойиҳалаш маданиятини ривожлантиришнинг маданий-тарихий шарт-шароитлари. Лойиҳалаш маданиятини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи тўсиқлар ва уларни бартараф этиш йўллари. Педагогик лойиҳалашнинг лойиҳалаш маданиятини ривожлантириш шартли сифатида. Педагогнинг лойиҳалаш маданиятини ривожлантиришга интегратив-аксиологик ёндашув. Гуманистик таълимий парадигма педагогнинг лойиҳалаш маданиятини ривожлантириш асосий модели сифатида. Лойиҳалаш маданияти: педагогик тизим сифатида: функциялари, мезонлари ва даражалари. Лойиҳалаш маданиятини ривожлантиришнинг асосий тенденциялари ва тамойиллари. Лойиҳалаш маданиятини ривожлантиришнинг инновацион йўналишлари.

**6.2. Педагогик такт ва техника**

Ўқитувчи фаолиятида педагогик такт. Диккатни тўғри тақсимлаш ва кузатувчанлик. Касбий-педагогик хаёлот. Ўқитувчининг ишонтиришга асосланган таъсир кўрсатиш маҳорати. Педагогик мулоқот. Педагогик таъсир кўрсатиш усуллари. Педагогик фаолиятда актёрлик ва режиссёрлик маҳорати. Ўз-ўзини йўналтириш техникасига асосланган ўқитувчининг ўзини-ўзи бошқариш маҳорати. Ўқитувчининг ташқи кўриниши маданияти. Ўқитувчининг мимик ва пантомимик маҳорати. Нутқ техникаси асослари: нафас олиш ва овоз. Нутқ техникаси асослари: дикция.

**6.3. Касбий фаолиятни моделлаштириш технологияси**

Педагогикада моделлаштиришнинг ўрни ва аҳамияти. Ўқув жараёнини моделлаштиришга доир инновацион ёндашувлар. Педагогик тизим ва жараёнларни моделлаштириш. Таълимий муҳитни моделлаштиришдан ва лойиҳалаштириш. Таълим мазмунини педагогик моделлаштириш. Таълим мазмунини моделлаштириш технологияси. Имитацион моделлаштиришнинг умумий масалалари. Имитацион моделлаштиришнинг асосий концепциялари ва воситалари. Ўйин тарзида моделлаштириш ва унинг моҳияти. Ролли ўйин тарзида педагогик вазиятларни моделлаштириш. Ўйин тарзида моделлаштириш технологияси. Коммуникатив компетенцияликни ривожлантиришда педагогик вазиятларни моделлаштиришдан фойдаланиш. Педагогик низолатни моделлаштириш. Тарбия технологияларини моделлаштириш. Тарбия тизимини этнопедagogик моделлаштириш технологияси.



## VII. Педагогик амалиёт

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади. Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

**Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**  
Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув ишини тайёрлайди. Битирув иши талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти кўйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

- кейслар банки;
- мавулар бўйича тақдимотлар;
- бошқа материаллар (фани ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда кўйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
  - соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;
  - мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.
- Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон портфолио” тизимига киритиб бориши лозим.

### Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа махсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

## Адабиётлар

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Қаримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
2. Қаримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001.
3. Қаримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. – 176 б.

4. Қаримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 440 б.

5. Қаримов И.А. Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмаг қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим – тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги 1997 йил 6 октябрдаги №1869-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзлуқсиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги 5-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзлуқсиз таълим тизимини дарслиқлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги 4-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги 343-сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртлари талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби ва микдорлари тўғрисида”ги 2001 йил 17 августдаги 344-сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги “Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 100-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари талабалари ўқиниши кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан



чеглаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқлаш хусусидаги 2010 йил 18 июндаги 118-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2010 йил 28 июлдаги 4232-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2011 йил 20 майдаги 1533-сонли Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2012 йил 24 июлдаги 4456-сонли Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касба ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низомни 2012 йил 18 октябрдаги 297-сонли Қарори.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли Қарори.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги “Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 371-сон Қарори.
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги “Магистратура тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 36-сонли Қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4732-сон Фармони.
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли Қарори.
22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш

тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон Қарори.

### III. Махсус адабийётлар

1. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари. - Т.: 2000. - 218 б.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. - Т.: Молия, 2003. - 192 б.
3. Давронов Қ. Биотехнология, илмий, амалий ва услубий асослари. Тошкент 2008. Патент пресс нашри. 504 б.
4. Давронов Қ. Саноат микробиологияси. Тошкент 2013. Фан ва тараққиёт нашри. 329 б.
5. Давронов Қ., Алиқуллов Б.С. Нанобиотехнология асослари 2015. Фан ва тараққиёт нашри. 304 б.
6. Исмаилов А.А., Жалалов Ж.Ж., Саггаров Т.К., Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/ Breakthrough Level A1/-Т.: 2011. - 182 б.
7. Ишмухамедов Р., Абдуқодиоров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). - Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. - 160 б.
8. Ишмухамедов Р., Абдуқодиоров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). - Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. - 180 б.
9. Махмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. - Т.: “Академия”, 2011. - 154 б.
10. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси. - Т.: 2006. - 230 б.
11. Самаров Р. (хаммуаллифликда) Снёсий магн тахлили (методология, назария, амалиёт). - Тошкент: Академия, 2010. -170 б.
12. Самаров Р. Ахборотнинг психологик хавфизлигини таъминлаш механизми (услубий қўлланма). - Тошкент: Университет, 2015. -95 б.
13. Саггаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти. - Т.: “Академия”, 2003. - 70 б.
14. Топилдиев В. Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари. - Тошкент: “Университет”. 2015. - 245б.
15. Шихова О. Ф., Шихов Ю. А. Квалиметрический подход в образовании. //Ж. Образование и наука. 2013. № 4 (103) - С. 40-57.
16. Жукова Г.С., Комарова Е.В., Никитина Н.И. Квалиметрический подход в системе дополнительного профессионального образования специалистов социальной сферы: монография. - М.: Издательство РГСУ, 2012. - 186 с.
17. Гозиев Э. Умумий психология. 1, 2-китоб. - Т.: “Университет”, 2002. - 212 б.
18. Гозиев Э., Мамедов К. Касб психологияси. - Т.: 2003. - 183 б.
19. Давлетшин М.Г., Тўйчиева С.М. Умумий психология. - Т.: ТДПУ, 2002. - 218 б.

20. Ижтимоий педагогика. / Н.Эгамбердиева – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 232 б.
21. Каримова В.М. Психология. – Т.: Шарқ, 2000. – 210 б.
22. Махсудова М.А. Мулоқот психологияси. – Т.: 2006. – 183 б.
23. Мавлонова Р., Холикбердиев К., Тураева О. Педагогика. – Т.: “Ўқитувчи”, 2006. – 298 б.
24. Мўминова Л.Р. ва бошқалар. Махсус психология. Т.: “Ношир”, 2013.
25. Назарова Н.М. Сравнительная специальная педагогика. М.: “Академия”, 2012.
26. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтаўжаева тахрири остида. – Т.: “Молия-иктисод”, 2008. – 208 б.
27. Подласый И. Педагогика. Новый курс: учебник для студ. педаг. вузов. – в 2-х кн. – М.: ВЛАДОС, 1999. – 567 с.
28. Пўлатова П. ва бошқалар. Махсус педагогика. Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2014.
29. Сайдахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003. – 172 б.
30. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбикий асослари – Т.: 2006. – 163 б.
31. Neil Selwyn. Education and Technology: Key Issues and Debates. Continuum. Australia, 2011.
32. Alex Moore. Teaching and Learning: Pedagogy, Curriculum and Culture. Routledge. USA, 2012.
33. Keith S. Taber. Modelling Learners and Learning in Science Education: Developing Representations of Concepts, Conceptual Structure and Conceptual Change to Inform Teaching and Research. Springer. UK, 2013.

#### IV. Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси: [www.aci.uz](http://www.aci.uz).
3. Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаши: [www.ictcouncil.gov.uz](http://www.ictcouncil.gov.uz).
4. ЎзРес.ОЎМТВ хузуридаги Бош илмий-методик марказ: [www.bimtm.uz](http://www.bimtm.uz).
5. [www.Ziyounet.Uz](http://www.Ziyounet.Uz).
6. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz).

#### “ИШЛАБ ЧИКИЛГАН”:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини яқширатишни ташкил этиш

Бошқарма бошқаруви

Директор У.Ш.Бегимкулов

“ ” 201\_ й.

#### “КЕ.ЛИШИЛГАН”:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Олий таълим муассасалари Бош  
бошқармаси

Бошқарма бошқаруви

“ ” 201\_ й.



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Бошқарма бошқаруви

Директор Ш.С.Шарипов

“ ” 201\_ й.

М.Ў.



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасалари Бош  
бошқармаси

Директор Н.А.Муслимов

“ ” 201\_ й.